
ЎҚУВ КУРСИНИ ТАМОМЛАГАН ЁШЛАРГА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

Қўштепа тумани ҳокимлиги ҳамда Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази томонидан "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни тадбиркорликка ўргатиш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Курсларда йигит-қизларга бизнес юритиш сирларини ўргатиш мақсадида назарий-амалий машғулотлар олиб борилмоқда.

Мана шундай ёшлардан 12 нафари ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаб, сертификат олишга муяссар бўлдилар. Ушбу сертификатлар туман ҳокимининиг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи А. Юнусов иштирокида топширилди.

Айни вақтда "Ёшлар дафтари"даги 22 нафар ва "Аёллар дафтари"га киритилган 9 нафар аёллар ўқув курсларида ўқиб бизнес юритиш сирларини ўрганмоқдалар.

Қўштепа тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-02-27 20:22:05